## Сўранг, жавоб берамиз

**Никоҳ шартномасини тузиш ҳақида маълумот берсангиз.**

**У.Нодиров.**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 30-моддасида кўрсатилганидек, никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган шартномалар никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

* * *

**Мерос — отамиздан қолган мулк қандай тартибда тақсимланади?**

**У.Холбоев.**

Қонун бўйича меросхўрлар ёки улардан бири меросни қабул қилиб олгач, унинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида амалга оширилади.

* * *

**Мен Россия фуқароси билан никоҳдан ўтмоқчи эдим, бунга рухсат борми?**

**Ҳ.Расулов.**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузилганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

* * *

**Бир корхонада ишлаб турган ходимнинг бошқа ишга ўтказилиши учун унинг розилиги олинадими ёки раҳбариятнинг ўзи ҳал қиладими?**

**Х. Солиҳов**

Ходимнинг бошқа ишга ўтказилишига розилиги ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим. Агар тарафлар бошқа ишга доимий ўтказишни келишиб олсалар, у ҳолда ходимнинг шунга розилиги меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартиришлар кўринишида у тузилган пайтдаги тартибда расмийлаштирилади. Агар бошқа ишга ўтазиш вақтинчалик бўлса, бу ҳолда розилик ходимнинг уни бошқа ишга ўтказишни илтимос қилинган аризаси тариқасида ифодаланади.

Фақат ходим билан меҳнат шартномаси ёзма равишда тузилмаган бўлса, ходимнинг бошқа ишга доимий равишда ҳам, вақтинча ҳам ўтказилиши тегишли ёзма ариза билан тасдиқланиши керак.

* * *

**Мен ўзимга тегишли бўлган автомашинамни бир танишимнинг автомашинасига алмаштираётган эдим, буни қандай тартибда расмийлаштиришимиз керак?**

**М. Дадаев.**

Ўзингиз истиқомат қилаётган тумандаги нотариал идорага мурожаат этиб, автомашиналарингизни айирбошлаш шартномасини расмийлаштиришингиз мумкин ва нотариал тасдиқланган шартномага асосан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимида автомашиналарни рўйхатга қўясиз.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**





**Шаҳримиз кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. СУРАТЛАРДА: Тошкентимизнинг обод кўчаларида қад кўтарган кўп қаватли ва маъмурий бинолар акс эттирилган.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Орзиқиб кутилган кун яқин

«Юрган дарё, ўтирган бўйра» деб бежиз айтишмаган машойихлар. Одатдагидек дам олиш куни эрталаб йўлга чиқа туриб, «Отчопар» бозорида анчадан бери бўлмаганим ёдимга тушиб, ўша томон боришни ихтиёр этдим.

Очиғи, бу ерга келдиму кўзларимга ишонмай қолдим. Ё тавба, шу ўша ўзимиз билган «Отчопар» бозорими ёки янглишиб бирор катта қурилиш майдонига келиб қолдимми дея бироз иккиланиб турдим. Йўқ, ўша «Отчопар» бозори, лекин у бутунлай ўзга қиёфа кашф этиб, янгиланиб, киши танимас даражада ўзгариб кетибди. Олдинги ўнқир-чўнқир тор йўлкалардан асар йўқ. Улар бутунлай қайта янгиланган, кенгайтирилган, асфальтланган. Баъзи жойларда эса ажабтовур садафдек терилган тошлар кўзга ташланади. Расталарнику қўяверинг, ҳаммаси тартибли, кенг ва замонавий. Сотувчи ва харидорлар учун қулай. Бир вақтлардаги темир-терсаклар билан чала-чулпа усти ёпилган савдо нуқталари ўрнида қатор кетган пештахталар, улар хона-хона қилиб бир-биридан ажратилган. Ҳар бир хона бир тадбиркорга мўлжалланган.

Яна бир янгилик шуки, 2,5 мингга яқин сотувчи сиғадиган бу бозорнинг номи ҳам ўзгарибди. Энди у «Отчопар» эмас, балки «Чилонзор» буюм бозори деб аталадиган бўлибди.

Расталар орасида гўё телефон кабинасини эслатувчи ёнидаги кичик хоналардан бутунлай фарқ қилувчи сотув дўконлари кўзга ташланади. Шундай мажмуалардан 30 таси бугун ўз эгаларига мунтазир бўлиб турибди.

— Бу дўконлар келишувга биноан шаҳримиздаги енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналари учун мўлжалланган. Улар бу ерда ўзларида тайёрланган барча турдаги маҳсулотларни сотувга чиқаришади, — дейишади бозор мутасаддилари.

«Бозорда асосан кимлар савдо қилиш ҳуқуқига эга?» деган саволимизга эса:

— Фақат Тошкент шаҳрида яшовчи ва шу ерда истиқомат қилишини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган тадбиркорлар савдо-сотиқ қилишади, — деган жавобни беришди.

Янги бозорда энди илгаригидек ҳамма буюмлар — газлама ва бошқа туркумдаги маҳсулотлар аралаш-қуралаш савдога чиқарилмайди. Улар алоҳида-алоҳида ажратилган махсус бўлимларда сотилади. Масалан, бир бўлимда чармдан тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилинса, бошқасида пойабзал сотуви йўлга қўйилади ва ҳоказо. Бу харидорлар учун жуда қулай. Улар ўзларига керакли буюмни қидириб, бутун бозорни кезмай тўғридан-тўғри белгиланган бўлимга ўтадилар.

Киравериш дарвозаси ёнидаги тахтага бозор харитаси осилган бўлиб, унда қайси бўлим қаерга жойлашганлиги белгилаб қўйилади.

Ҳозир «Хўш, барчага қадрдон бўлиб қолган бу замонавий бозор қачон ишга тушади?» деган савол ҳамшаҳарларимизни қизиқтириши табиий. Уларга жавоб тариқасида шуни айтишимиз мумкинки, бугун «Чилонзор» буюм бозори кимошди савдосига қўйилган. Яқинда ўтадиган йирик тадбиркорларнинг йиғинида бу бахт кимга кулиб боқса, шундан кейин ўз эгасига топширилади. Поёнига етаётган қурилиш ишлари ҳам якун топиб, бозор аввалгидек харидорларга ўз эшикларини кенг очади. Бу кун жуда яқин.

## Ярашмаган қилиқ

Ушбу битикка «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ» деган сарлавҳа қўймоқчи бўлдик-ку лекин ўйланиб қолдик. Бироз қаттиқроқ кетсак баъзи бир билиб-билмай шундай ҳолатларга йўл қўйиб, кейин ўзидан ранжиб юрадиган кишиларга оғир ботмасмикан, деган хаёлда юқоридаги сарлавҳани танладик.

Тасаввур қилинг, ишдан ҳориб-чарчаб чиққансиз. Уйга кетяпсиз, ёки оилангизда, яқинларингизнинг ҳаётида бирор фалокат рўй берган. Ё бўлмаса қадрдон дўстингизни қабрга қўйиб, мотамсаро кайфиятда бекат томон одимлаб боряпсиз. Шу дамда сиз билан ёнма-ён кетиб бораётган бир тўда ёш-яланглар бўлар-бўлмас гап билан овозини баралла қўйиб, хахолаб кулиб боришяпти. Беихтиёр ранжиб, ўша томонга қарайсиз. Лекин, афсуски, ёшлар сизга бутунлай эътиборсиз, мақсадингизни тушунса ҳам менсимай, ўз билганларидан қолишмай боришяпти.

Баъзида эса ўзига оро бериб, маданий кийинган, катта ёшли қиз-жувонлар, барваста-басавлат эркакларнинг кўча-кўйда, бекатларда, жамоат транспортларида бемаъниларча бор овози билан хахолаб кулишлари атайлаб биров эшитсин учун мақтовнамо гаплари, ҳаммага кўз-кўз қилгудек ярашмаган олифта қилиқларига дуч келувчи ҳолатлар ҳам бўлиб туради.

Билиб турибмиз, улар хусусида ножўя сўз айтиб, таъриф беришдан ийманиб турибсиз. Келинг, яхшиси бу хусусда ўзимиз шоҳид бўлган бир воқеани айтиб бера қолайлик.

Ўша куни тушкун кайфиятда уйга қайтардик. Икки дугона метронинг узундан-узун кетган еости йўлидан оҳиста боришаётиб, ўқтин-ўқтин бир-бирларининг қулоқларига ниманидир пичирлашиб, тўхтовсиз кулиб боришарди. Йўлда ҳам, бекатда ҳам, метрода кетиб бораётганда ҳам ғашни келтирувчи бу кулги тўхтамади. Ниҳоят, сабрим чидамай уларни тартибга чақирдим:

— Қизлар, сал ўзларингизни тутинглар.

Қарангки, улар бизга еб қўйгудек тикилишди.

— Куладиган биз бўлгандан кейин сизнинг нима ишингиз бор? Вой тавба, ошга қатиқ бўлувчи бундай қариялардан қачон қутуламиз ўзи?

Бу гап кўпчиликнинг дилига озор етказди шекилли, бошқалар ҳам можарога аралашиб, қизларга дашном бера кетишди.

— Бўйга етган қизлар кўпчилик олдида бесабаб ҳиринглагани уялмайсизлармми? Қиз бола деган нарсада бироз бўлсада ҳаё бўлади-да.

Онаси тенги хотиннинг бу сўзидан дугоналар баттар жунбушга келди.

— Ўзингизнинг қизингизга қилинг бу насиҳатингизни. Бизнинг ақлимиз ўзимизга етади.

Улар шундай дея навбатдаги бекатда метрони тарк этишди.

Қиссадан ҳисса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

## Сен тинч, қўшнинг тинч

Бир яхши гап, бир ёмон гап тез тарқалади. Кечқурун уйга келсам аёлим:

— Бобоси, эшитдингизми? Қўшнимиз Манзура бувининг келини Зебохон аразлаб уйига кетиб қолибди, — деди бироз тушкун ҳолатда.

— Бинойидек келинга кимнинг кўзи тегибди.

— Билмадим, назаримда Манзура буви тушмагур аччиқ-араз устида билиб-билмай қаттиқроқ сўз айтиб юборган шекилли-да.

— Ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам забти тезлигини ташламади-да шу аёл. Тавба жаҳли бурнининг учида туради-я.

— Ўзи тез бўлгани билан беозор бечора. Лов этиб ёнадию пов этиб ўчади. Нима қилсин, қон билан кирган, жон билан чиқади.

Шундай гап-сўз билан кечки дастурхонга ўтирган эдик. Кутилмаганда эшикдан Зебохоннинг қайлиғи Фозилжон ийманибгина кириб келди.

— Кел, кел, чироғим. Қани буёққа чиқ.

— Кечирасиз, отахон, бемаврид безовта қилдим.

— Нега ундай дейсан, бўтам, одам одамга ғанимат. Қани ўтирчи, гаплашайлик.

Фозилжон қистовим билан айвон чеккасидан жой олди.

— Хизмат, ўғлим...

— Ишдан келсам, ойим йиғлаб ўтирибдилар уйда. «Ҳа, нима гап», десам, «Зебохон кетиб қолди. Тез бориб келинимни олиб кел», дедилар.

— Орадан яхши-ёмон гап ўтгандир-да.

— Айтишларича, арзимаган гапдан жанжал чиқибди. Қаричилик биласиз, ойим анча майда гап бўлиб қолганлар.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Ўзим борай десам, отаси тажанг. Бирор ножўя гап айтиб, дилимни хира қилиб қўядими, дейман. Ойимга «Сиз боринг», десам, «Қайси юз билан бораман келинимникига», деб ўтирибдилар. Ҳар қалай маҳалла-да, кўча-кўйда обрўйингиз бор. Ўзингиз бир иложини қилмасангиз бўлмайди, ота. Шунга олдингизга чиқувдим.

— Яхши ўйлабсан, бўтам. Эскиларда «Сен — тинч, қўшнинг тинч» деган гап бор. Шундай экан, темирини қизиғида босганимиз маъқул. Чилонзор қочиб кетибдими?

— Яшанг ота. Сиз овқатланиб олгунингизча, мен машинамни тайёрлаб тураман.

Зебохонни кўча бошида учратдик. Фозилжон машинани тўхтатиши билан у жилмайиб биз томонга келди. Саломаликдан сўнг индамай қизариб-бўзариб машинага ўтирди. Анча йўлгача жим бордик.

— Ҳа, қизим, уйдагилар яхши эканми? — сўз бошладим мен.

— Раҳмат. Сизларга салом деб юборишди, — деди Зебохон ер остидан Фозилжонга қараб. Кейин қўшиб қўйди. — Бироз ушланиб қолдим, кечирасиз-да энди. Ойижонимни уринтириб қўймадиммикан ишқилиб.

Самимий айтилган сўзда бирор гина-кудуратдан нишона йўқ эди.

Манзура буви эшик олдида бизни қарши олди. Қайнона-келин худди узоқ вақт кўришмагандек, бир-бирининг қучоғига отилди.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

• Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми файзсиз, кундузи эса — ғамгин.

• Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.

• Севги ўзида инсоннинг ҳамма эзгу фазилатларини мужассамлантиради.

• Аёл — буюк сўз, унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати таркиб топган.

• Севги худди чақмоқ каби қудратли, аммо момақалдироқсиз чақмайди. Унинг энг кучли зарбалари ҳам ёқимлидир.

• Донолар айтади: севгининг худди инсон ҳаётига ўхшаган ўз тараққиёт қонунлари, ўз мавсумлари бор. Уни гуллаб яшнаган баҳори, ёндиргудек ёзи, охир-оқибат кузи ҳам келадики, у баъзилар учун иссиқ, чароғон ва серҳосил бўлса, айримлар учун совуқ, чириқ ва мевасиз келади.

• Ҳар бир севги ўзича чин ва гўзалдир. У бошда эмас, юракда бўлмоғи керак.

• Муҳаббат бамисли олов, қаловсиз қолдими ўчади.

**Байт:**

**Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат, табассум,**
**Ширин хаёллару, жон олар масъум.**
**Нозик иболару сенгадир исён —**
**Муҳаббат соҳиби бахтиёр инсон.**

• Рашк ошиқ учун азоб-уқубат, маъшуқ учун ранж-изтироб манбаидир.

• Дунёда инсон юрагини жирканч манзаралар билан тўлдириб рашк каби хўрловчи кулфат бўлмаса керак.

• Рашкчининг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшаб кетади.

• Аёл муҳаббатидан жудо бўлган одам бу севгини сақлаб қололмагани учун фақат ўзини айблаши мумкин.

• Рашк шубҳалар қутқуси билан мутлақо гуноҳсиз одамни ҳам ҳақоратлаб қўйиши мумкин.

• Шундай олижаноб муҳаббатлар борки, улар рашкка мутлақо ўрин қолдирмайди.

• Донолар айтади: оқила рафиқа! Агар сен эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушкингки токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳатфароғат ва мулойимликка дуч келмасин.

• Чинакамига севган одам рашк қилмайди. Муҳаббатнинг асл моҳияти — ишонч. Бордию муҳаббатдан шу ишончни тортиб олингчи, унда сиз унинг ўз кучига бўлган ишончи, давомийлиги, жамики нурафшон томонлари — бинобарин, барча улуғворлигини тортиб олган бўласиз.

**Байт:**

**Кўча севгиси уйни барбод этар,**
**Уйингни хотин меҳри обод этар.**

• Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

• Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

• Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан кўра қимматлироқдир.

• Ҳалол яшаганингни билиб турсанг, ҳаёт нашъали ва осон туюлади.

• Бир умр бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Шундан сўнг, Нўширавон тавба қилиб, адолат дастгоҳини оламга ёйди. Агар Муҳаммад Нўширавон илк ҳукмронлик йилларида туғилганда эди, бу ҳадисини ҳаргиз буюрмаган бўларди. Зотан, Нўширавоннинг фуқароси йўлдан адашган эди, бинобарин, фуқаро шундай қисматга маҳкум эди. Бизнинг фуқаро ўз аҳдимиздадир. Бинобарин, биз уларга индамасак, улар мусулмонларнинг молларини олиб, зулм қиладилар. Талаб қилган вақтда сиздек бузург кишиларга заҳмат бериб, яна шафоат қилишингизни сўрайдилар. Бу билан бизларнинг молимизни олиб кетишни истайдилар. Бундай кишиларга қандай чора дорлик кўрсатди. Бизнинг бир-биримизга бўлган муносабатимиз жуда ҳам мароқлидур. Мен усиз ҳеч қаерга бормайман, — деб жавоб берди.

Аҳмад ибн Абдулло бу сўзни эшитгач, у хотиннинг ишқига тушди. Манманлик ҳавоси ғолиб келиб, тубанлик эътиқоди ва ниҳоятда андишасизлик сабаб бўлиб, Шерзоднинг хотинини йўлдан чалғитмоқлик мақсадида бир неча қўшмачи хотинларни унинг олдига юборди. Шерзоднинг хотини покиза ва иффатли жувон эди.

Унинг исмат пардасига ҳеч қачон шубҳа гарди юқмаган эди. Бинобарин, у қўшмачи хотинларнинг ҳийласига учмади ва улар-

### Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

кўришим ҳақида Мавлононинг фикрлари қандай?

— Зулм ва заҳматни тугатиш, — деб жавоб берди Абул Мавид ва ўрнидан тураркан: — Шоҳ сўзи — сўзларнинг шоҳидир, ! деди.

Абул Мавид ўз уйига келгач, унинг ҳузурига Муҳаммад мўйнадўз келди. Абул Мавид унга шундай деди:

— Мен сенинг айтган гапларингни султонга ҳикоя қилиб бердим. Султоннинг жавобидан менга маълум бўлдики, барча ҳақ ва ҳуқуқ султонның ихтиёрида экан, сен қариб оёғинг гўр лабига бориб қолган кишисан. Бинобарин, синбаддан олган молларингни тўлиқ қайтариб беришинг лозим. Бу иснодни фарзандларингга қолдирма, токи уларнинг назаридан тушиб, қиёматда якка ўзинг қолмагайсан.

Муҳаммад мўйнадўз қайтиб келди ва қолган саккиз кўза олтинни келтириб хазинага топширди. Аммо Абул Мавид бундан буён бу соҳада ҳеч кимни шафоат қилмасликка аҳд қилди.

* * *

Хуросонда шоҳлик навбати Рофе Ҳарсмадан амир Абу Шужо Аҳмад ибн Абдуллоҳга етди. У чиройли, мардона, саховатли йигит эди. Аммо золим ва беандиша, уятсиз эди. Мазкур икки ёмон хулқи барча фазилатларини ювиб кетарди; давлатнинг барбод бўлиши сабаби ҳам беандишалиги ва уятсизлигидандир, деб ёзадилар. Бу шундай содир бўлган экан:

Аҳмад ибн Абдулло қўшинида Шерзод Дайлавий номли бир киши бор эди. У мурувватли, мардона ва латиф киши эди. Аҳмад уни ўзига сирдош маҳрам қилган эди. Аҳмаднинг бемаъни одатларидан бири шу эдики, ўз надимлари билан доим хушчақчақлик ва ҳазил-мутойибалар қилар ва улардан, сизлар ҳеч ошиқ бўлганмисизлар ва маъшуқаларингиз кимлардир, деб сўрарди. Агар бирорта хотиннинг таърифини эшитса, дарҳол унинг пайига тушар ва қўлга киритарди.

Бир кун Шерзод билан ўтиришганда ундан сўради:

— Сен ҳеч ошиқ бўлганмисан?

— Боқий давлатларининг соясида амакимнинг қизи қайлиғимдир. Бизнинг кўнглимиз ёшликдан бир-биримизга пайванд эди. Мен ундан бошқа ҳеч қандай хотинга назар ташлаган эмасман ва унинг хоҳишига бўйсунганман. Шунингдек, у ҳам вафони ҳайдаб чиқарди. Хотин ўз эрига бўлган воқеани гапириб берди. Бу сўзни эшитган Шерзоднинг қалбида алам ва нафрат учқунлари аланга олди. Чора ва тадбир йўлини қидириб тополмасди. Ниҳоят, Аҳмаднинг ҳузуридан хотини билан бирга қочиб кетишни ягона тўғри тадбир деб билди. Бу сирни ўзининг дўстларига баён қилди. Сўнгра Аҳмад ибн Абдуллога айтиб қўймасликлари учун уларга қасам ичказди.

Улардан бири ёлғон қасам ичди ва Шерзоднинг режасини Аҳмадга хабар берди. Шундан сўнг, Аҳмаднинг Шерзодга эътимоди қолмади ва ўзича Шерзод кетиб қолса ундан ҳар хил фитналар вужудга келиши мумкин, деб ўйлади. Шерзодни ушлаб келиб, ўз қўли билан ўлдирди. Мол-мулкини талон-тарож қилди. Унинг Мадим номли хотинини зулм билан ўз ҳузурига келтирди. Қўшиндаги барча аскарлар Аҳмаднинг қилмишларини қоралаб, унга лаънатлар ўқидилар. Аҳмад Мадимни олиб Шаҳристонни забт қилмоқ қасдига тушди. Шаҳристон шаҳарларидан мол олиб Мозандаронга келиб қарор топди.

Ногоҳ Нишопурдан хабарчи мактуб олиб келди. Мактубда: «Аъёш Нишопурга келиб, сенинг онанг уйини талон-тарож қилди. Уйдаги барча нақдина ва мол-мулк ҳамда хазиналарни олди. Шу билан бирга онангни ҳам ўзи билан бирга олиб Гургонга кетди», деб ёзилган эди.

Тарихчи шундай хабар беради: Аҳмад ибн Абдулло Шерзоднинг уйини талаб, мол-мулки ҳамда хотинини олиб кетган куни, Аъёш Нишопурда Аҳмаднинг уйини талон-тарож қилиб, унинг онасини олиб кетган эди.

Мактубнинг мазмунидан огоҳ бўлган Аҳмад беҳуш бўлди. Бир оздан сўнг ҳушига келгач, аскар тўплаб, Ҳирот томонга юрди.

Аъёшнинг Аҳмад уйини ғарат қилишининг сабаби қуйидагича эди: Аъёш Аҳмаднинг хизматкори эди. Унинг ўзига хос аскари ва шавкати бўлиб, бу вақтда Ҳиротда эди. Бир кечаси тушида Аҳмад билан нард ўйнайди. Нард ўйинида Аҳмад устидан ғалаба қилди. Унинг бошидан салласини олиб, ўзи кийди. Аъёш уйқудан уйғонгач, кўрган тушини туш таъбирловчига баён қилди.

(Давоми бор).

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «Ш» ҳарфли бошқотирма



**Ёйлар бўйича:** 1. Андижон вилоятидаги шаҳар. 2. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг тўрт китобдан иборат қиссаси. 21. Халқ мақоллари мажмуи. 22. Жамоа бўлиб, ихтиёрий равишда ижтимоий фойдали ишни бажариш.

**Энига:** 7. Қовун нави. 8. Юпқа. 9. Ўзбек фазогири. 12. Ширинлик. 13. Саноатлашган аҳоли турар жойи. 16. Миллий таом. 17. Табиий ҳодиса. 20. Хосият, фазилат. 23. Какаоли ширинлик. 24. Сувсевар донни етиштирувчи.

**Бўйига:** 3. Совуқдан бўлувчи бетоблик. 4. Мусаффо табиий томчи. 5. Ҳижрий йил ҳисобидаги ой. 6. Қандолатчи ҳунарманд. 10. Ҳўл мева. 11. Бирор нарсага гувоҳлик. 14. Ўзбек ёзувчиси. 15. Ўзбек хонандаси, моҳир танбурчи. 18. Танаси қаттиқ, тик ўсувчи, доим яшил жануб дарахти. 19. Эстрада гуруҳи.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони — 10, 5, 8, 1.

2. Қадимги юнон ижодкори Эзоп асос солган деб ҳисобланувчи асар жанри — 12, 2, 11, 2, 3.

3. Ҳафта куни — 6, 9. 11, 2.

4. Мушуксимон йиртқич — 7, 5, 4.

Энди шакл марказидаги рақамларда яширинган ҳикматни очқич сўзларидаги ҳарфлар асосида билиб олинг.

**Тузувчи**
**Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 11 январь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Дақиқа. 2. Чорвоқ. 3. Чирчиқ. 4. Болдоқ. 5. «Қиёмат». 6. «Шаҳзод». 7. Малака. 8. Гавҳар. 9. Малика. 10. Ҳайкал. 11. Лирика. 12. Комета. 13. Исирға. 14. Мемуар. 15. Арагви. 16. Графит. 17. Жанбил. 18. Ракета. 19. Газета. 20. Термиз. 21. Теннис. 22. Жаннат. 23. Ҳаттот. 24. Иморат.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Баёт». 2. Газли. 3. Қўқон. 4. Раҳм.

**Ҳикмат: Ҳар лаёқатнинг ўз қиммати бор.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-09. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.05 1 2 3 4 5 6